

Тасбеҳни бирор нарса орқали санаш бидъатми?



06:10 / 14.09.2018 7087

Ассалому алайкум! Аллоҳ билимингизни зиёда қилсин. Саволим қуйидагича, бир танишим билан бидъат мавзусида узоқ баҳслашиб қолдик. Унинг айтишича, тасбеҳни бармоқ орқали ёки бўлмаса тасбеҳ санагич, тошлар орқали санаш бидъат экан. Сабаби, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) даврларида бундай одат бўлмаган. Бундан ташқари, Умар (р.а) бир кишини тошлар орқали санаганида, ҳамда, бир аёлни бармоқлари орқали санаётганида қайтарган эканлар. Пайғамбаримиз (с.а.в) ислом динига бошқа динда бор бўлган удумларни аралаштирмасликка, бошқа динга ўхшамаслигига иложи борича ҳаракат қилган эканлар. Илтимос, бу ҳолатга ойдинлик киритсангиз.

номлайдиган нарса пайдо бўлган. Ибн Манзур бу нарсани тушунтириш учун: «Субҳа» – тасбеҳ айтувчи ўзи айтадиган тасбеҳларни санайдиган доналардир. Бу янги чиққан сўз бўлиб, гоҳида уни «мисбаҳам» ҳам дейишади», деган.

[Имом](#) Абу Довуднинг «Сунан» китобларини «Авнул Маъбуд» номи ила шарҳ қилган шайх Муҳаммад Шамсулҳақ раҳматуллоҳи алайҳи ҳозир биз ўрганаётган ҳадисни келтиргандан кейин: «Бу ҳадис тасбеҳни «данак» ёки «майда тош» билан санаш жоизлигига далилдир. Тасбеҳ қилиб олса ҳам бўлаверади, чунки ораларида фарқ йўқ, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мазкура аёлнинг амалини [иқроп](#) қилдилар, инкор этмадилар. «Бўлиб турган нарсадан афзал нарсага иршод қилиш аввалгисининг жоизлигини ман қилмайди», деганлар.

Бу ҳақда бир қанча асарлар ривоят қилинган. «Буни қилишни бидъат деганлар тўғри айтмаган», дейди шайх Муҳаммад Шамсулҳақ.

Ибн Ҳажар раҳматуллоҳи алайҳи эса: «Мазкур ҳадисдан тасбеҳ тутиш мандублиги келиб чиқади, уни бидъат дейиш тўғри эмас», деган.

Ибн Аллон эса шундай дейдилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мазкур аёлнинг данак ёки майда тош билан санаб зикр қилаётганига иқроп бўлишлари бу ишнинг [суннат](#) эканига далилдир. Тасбеҳ тутиш ҳам майда тошнинг ўрнидаги нарса. Тасбеҳ тутиш ҳақида латиф бир жуз ёзиб, уни «Ийқотул масобийҳ лимашруийати иттиҳозил масобийҳ» – «Тасбеҳ тутишнинг шаръий экани ҳақида ёқилган чироқ» деб номладим». Мазкур китобда: «Бу масалага оид хабарлар, асарлар ва ихтилофларни келтирдим, зикрни бармоқлар билан санаш афзалми ёки тасбеҳ билан, деган саволга жавоб изладим. Хулоса шуки, қўл билан санаш, хусусан, намознинг зикрларини қўл билан санаш афзалдир. Аммо кўп ададли зикрларда адашиб кетмаслик учун тасбеҳ билан санаган афзалдир», дейилган.

Аллоҳнинг зикрини қилиш иштиёқида, уни кўпроқ зикр қилиб, ададини ошириш маъносида мўмин-мусулмонлар ҳозирги кўринишдаги тасбеҳларни ясаб олганлар. Аллоҳнинг зикрини қилиш, унинг ададини кўпайтиришни, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг Ўзи ҳаммамизга насиб этган бўлсин. Турли соҳаларда, жумладан, мана шу тасбеҳ борасида ҳам ихтилоф қилишдан Аллоҳ таоло Ўзи сақласин, ихтилоф қилувчиларга эса Роббул оламиннинг Ўзи инсоф бериб, ҳамма соҳаларда, жумладан, ушбу маънодаги ихтилофдан қутулишда ҳам Ўзи тўғри йўлга бошлаган бўлсин. Валлоҳу аълам. («Ихтилофлар сабаблар ечимлар» китобидан). Валлоҳу аълам!